

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.22/30.12.2019.І.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ЗИКРИЁЕВ АЗИЗ САДУЛЛОЕВИЧ

**ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
КАСБИЙ СОҒЛИҚ ВА МЕХНАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ**

08.00.10 – Демография. Мехнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on economics sciences**

Зикриёев Азиз Садуллоевич

Инсон капиталини ривожлантиришда касбий соғлиқ ва меҳнат
хавфсизлигини таъминлаш.....3

Зикриёев Азиз Садуллоевич

Обеспечение профессионального здоровья и безопасности труда
в развитии человеческого капитала.....27

Zikriyoev Aziz Sadulloyevich

Provision of occupational health and safety in the development of human
capital.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works55

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.22/30.12.2019.І.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ЗИКРИЁЕВ АЗИЗ САДУЛЛОЕВИЧ

**ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
КАСБИЙ СОҒЛИҚ ВА МЕХНАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ**

08.00.10 – Демография. Мехнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Lqt1083 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.reu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдурахмонова Гулнора Қаландаровна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Насимов Дилмурод Абдуллоевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Ҳайитов Абдуманнон Бухарович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали ҳузуридаги DSc 22/30.12.2019.1.100.01 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгагининг 2022 йил 14 01 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод кўчаси, 3. Тел: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60; E-mail: info@reu.uz

Диссертация билан Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт университети Тошкент филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 6 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод кўчаси, 3. Тел: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60; E-mail: info@reu.uz

Диссертация, автореферати 2022 йил 14 01 куни тарқатилди.
(2022 йил «14» 01 даги 2 - рақамли реестр баённомаси)



К.Х.Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

З.Г.Шакарлов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д. PhD

З.Я.Худойбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёни чуқурлашиб бораётган шароитда жаҳон ЯИМнинг 13%ини ташкил этувчи қурилиш соҳаси, жумладан, қурилиш материаллари саноати муҳим аҳамият касб этмоқда. Қурилиш соҳасида 180 млн. нафар ишчи-ходимнинг бандлиги эътиборга олинса, инсон капиталини ривож-лантиришда касбий соғлиқ ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Булар, ўз навбатида, инсон капиталини ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий омили сифатида юзага чиқиши шарт эканлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон миқёсида иш жойларида касбий соғлиқ ва хавфсизликни таъминлаш (КСХТ) тизимининг халқаро интеграциялашувини тубдан такомиллаштириш бўйича илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада иш жойларида ишчиларнинг турли хил касалликларга чалиниши, юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдиндан аниқлашда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш, ишчиларнинг мушак таранглашуви ва руҳий зўриқиш каби муаммолар касбий соғлиқ ва хавфсизликка жиддий таъсир қилаётган йўналишлар бўйича тадқиқотларга устувор даражада қаралмоқда.

Янги Ўзбекистонда қурилиш саноатини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, соҳада инсон капиталини ривожлантиришда касбий соғлиқ ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, инсон капиталини ривожлантиришни халқаро меъёр ва стандартларига мувофиқлаштириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Улар “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ”¹ жумласидаги таъбирларга ҳам айнан мос келади. Шунга кўра, мамлакатимизнинг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепциясига мувофиқ, “Замонавий қурилиш стандартларини жорий қилиш” асосида қурилиш саноатини ислох этиш олдимизга қўйилган вазифалар ижросини таъминлашда улкан аҳамият касб этади”². Шу жиҳатдан, мамлакатимиз қурилиш саноати ташкилотларида КСХТнинг илмий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 4 августдаги ПҚ-4797-сон “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги 246-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. // <http://uza.uz/oz/documents>.

²Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегияси концепциясининг муҳокама учун материаллари, 2018 йил. 29 декабрь, 197 б.

вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсон капиталини ривожлантиришда КСХТ борасида илмий-тадқиқотлар олиб борган хорижий иқтисодчи олимлар: К.Сулаймон, П.Хагес, Э.Феретт, Д.Валтерз, С.Виллиамс, Н.Алканам, М.Кхени, К.Кожу, Ж.Сербитзер, Х.Вуа, К.Лиу, Л.Занг, Ж.Скебневский, Ю.Вангларнинг илмий изланишлари диққатга сазовор³.

Шунингдек, Буюк Британия, АҚШ, Европа Иттифоқи, Канада, Япония, Хитой, Россия, ва Туркия каби иқтисодиёти илғор мамлакатлар тажрибалари ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлар амалиёти, жумладан, БМТнинг Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси, БМТнинг Янги минг йиллик тараққиёт дастури (UN New Millennium Goal), БМТ Ривожланиш Дастурининг “Барқарор ривожланиш мақсади” (UNDP Sustainable Development Goal), Инсон ривожланиш кўрсаткичлари ва мезонлари (Human Development Indices and Indicators), ХМТ, Халқаро меҳнат конференцияси, БССТ, Халқаро эргономика ассоциацияси, БМТ саноатни ривожлантириш ташкилоти, Халқаро стандартлаштириш ташкилоти, Глобал касбий соғлиқ ва хавфсизлик Коалицияси (The Global Coalition for Safety and Health at Work), Касбий соғлиқ бўйича халқаро комиссия (International Commission on Occupational Health), БМТ таркибидаги Санитария ва гигиена жамғармаси, Халқаро ижтимоий хавфсизлик ассоциацияси (ISSA), Жаҳон ижтимоий ҳимоя ҳисоботи (World Social Protection Report), Глобал трендлар: кенгайиб бораётган қурилиш меҳнат бозорлари (Global Trends: Emerging Construction Labor Markets), 2030 йиллар учун қурилиш саноатининг глобал башоратлари (A global forecast for the construction industry to 2030), Инсон ресурслари йиллик ҳисоботи (Human Resources Annual Report), Инсон ресурслари ҳисоботи (Human Resources Report), Инсон тараққиёти индекси (Human Development Index), 2019 йил Халқаро қурилиш бозорлари сўровномаси (International construction market survey 2019), Глобал инсон капитали ҳисоботи (The Global Human Capital Report), Миллий инсон тараққиёти ҳисоботи (National Human Development Report 2019), Глобал соғлиқ 50/50 ҳисоботи (The Global Health 50/50 Report), Жаҳон иш билан таъминлаш ижтимоий қарашлар тренди (World Employment Social Outlook Trends), Инклюзив тараққиёт индекси (The Inclusive Development Index), Ижтимоий молия ва суғурта таъсири (Social Finance

³Khairuddin Sulaiman. A study of building Procurement process As a potential tool to Enhance safety practice In the construction industry Malaysia, 2008.; Phil Hughes, Ed Ferrett. Introduction to Health and Safety in Construction. Second edition, Oxford, UK, 2008.; Stephen Williams. Health and safety in construction, London, UK, 2006.; Nongiba Alkanam Kheni. Impact of health and safety management on safety performance of small and medium-sized construction businesses in Ghana. Loughborough University, London, UK, 2008.; J. Serbitzer, X.Wua, Q.Liu, L. Zhang, J. Skibniewski, Y. Wang. Prospective safety performance evaluation on construction sites. Accident Analysis and Prevention, 2015.; Occupational health and safety annotated bibliography of research and related literature (1998 - 2003).

& Impact Insurance), Жаҳон соғлиқ статистикаси (World health statistics), Scopus ва Sciencedirect платформаларидаги бир қатор илмий мақолалар ҳамда тадқиқот ишига оид глобал индекслар тадқиқ этилган.

Шу билан бирга, қурилиш саноатида КСХТга оид халқаро конгресс, конференция, саммит, семинар ва кўргазма ҳисоботлари тизимли ўрганилган.

МДХ мамлакатлари олимларидан: В.Н. Бекасова, С.И. Боровик, Н.В. Глотова, В.Г. Давлятшин, В.Г. Зеленкин, Л.М. Киселева, И.С. Окраинская, И.П. Палатинская, Г.И. Беляков, А.В. Хашковский, Н.А. Хусаинова, В.В. Гафнер, О.Н. Куликов, Е.И. Ролин, Н.М. Фатеева, Н.Н. Малярчук, Т.В. Сазанова, М.В. Плотникова, Т.А. Глухих, В.И. Гренц, С.Н. Глазуновларнинг илмий ишлари атрофлича ўрганилган⁴.

Мамлакатимиз олимлари тадқиқотларида ҳам иқтисодиёт тармоқларида инсон капитални ривожлантиришда меҳнат хавфсизлигининг айрим жиҳатлари ўрганилган. Хусусан, Қ.Абдурахмонов, С.Ғуломов, Б.Умурзаков, Ш.Қурбаниязов, Д.Бахромова, А.Игамбердиев, Ш.Холмўминов, Н.Аимбетов, Т.Жиемуротов, О.Абдурахмонов, А.Пармонов, А.Игамбердиев, Г.Дадаев, Г.Абдурахмонова, М.Қодиров, И.Нигматов, М.Тожиев, Д.Худоев, Қ.Ўлмасов, О.Қудратов, З.Гаибназарова, Р.Салоҳўжаев ва А.Магрупповларнинг илмий ишлари шулар жумласидандир⁵.

Аmmo, юқоридаги тадқиқотларда инсон капитални ривожлантириш билан касбий соғлиқ ва хавфсизлик ўртасидаги боғлиқлик усуллари аниқланмаган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур тадқиқот иши йўналишини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида бошқарув жараёнларини такомиллаштириш ва амалга ошириш методологияси» мавзусидаги давлат амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

⁴Бекасова В.Н., Боровик С.И., Глотова Н.В., Давлятшин В.Г., Зеленкин В.Г., Киселева Л.М., Окраинская И.С., Палатинская И.П., Хашковский А.В. Безопасность жизнедеятельности в дипломных проектах. Окраинской И.С., -Челябинск, ЮУрГУ, 2007.; Феоктистова О.Г., Феоктистова Т.Г., Мерзликин И.Н. Безопасность жизнедеятельности Организация охраны труда. – М.: Московский государственный технический университет гражданской авиации, 2015.; Хусаинова Н.А., Гафнер В.В. Мониторинг становления профессиональной компетентности учителя безопасности жизнедеятельности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук Екатеринбург – 2005.; Куликов О.Н., Ролин Е.И., Безопасность жизнедеятельности в строительстве, -Москва, Академия, 2009.; Фатеева Н.М., Малярчук Н.Н., Сазанова Т.В., Плотникова М.В., Глухих Т.А., Гренц В.И., Глазунова С.Н. Безопасность жизнедеятельности, -Тюмень, 2012.

⁵ Гойипназаров С.Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда меҳнатни муҳофаза қилишнинг илмий асосларини такомиллаштириш, -Тошкент, 2018.; Қурбаниязов Ш.К. Қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини жорий этиш самарадорлиги. Икт. фан. фалсафа доктори (PhD). илм. дар. олиш учун дисс.. – Т.: ТДИУ, 2018. – 126 б.; Бахромова Д.Б. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш асосий йўналишларининг иқтисодий-статистик таҳлили. Икт. фан. фалсафа доктори (PhD) илм. дар. олиш учун дисс.. – Т.: ТДИУ, 2018. – 151 б.; Аимбетов Н.Қ. Мураккаб экологик шароитда иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш. Икт. фан. доктори илм. дар. олиш учун дисс.. – Т.: ТДИУ, 2000. – 278 б.; Жиемуротов Т.П. Корхона бошқаруви жараёнида ахборот таъминотини жорий этишни такомиллаштириш. Икт. фан. ном. илм. дар. олиш учун автореферат – Т.: ТДИУ, 2010. – 26 б.; Quvondiqova D.E., Jumayeva N.Sh. Nayot faoliyati xavfsizligi, Navoiy 2013.; Пармонов А., Игамбердиев А., Дадаев Г., Қодиров М. Nayot faoliyati xavfsizligi, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti, -Toshkent 2007.; Nigmatov I., Tojiyev M. Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi. – Т., Iqtisod-Moliya, 2011.

Тадқиқотнинг мақсади иш жойларида КСХТ натижасида инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

инсон капиталини ривожлантириш концепцияси ва унинг назарий ёндашувларини тадқиқ этиш;

ХМТ томонидан инсон капиталини ривожлантиришда КСХТ генезисига аниқлик киритиш;

инсон капиталини ривожлантиришда касбий соғлиқ ва меҳнат хавфсизлиги бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш;

корхона ва ташкилотларда инсон капиталини ривожлантиришда муносиб меҳнат концепцияси амалиётини таҳлил этиш;

ижтимоий сўровнома асосида қурилиш санотида инсон капиталини ривожлантиришда бешта муҳим ташаббуснинг асоси бўлган касбий соғлиқни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини таҳлил қилиш;

қурилиш-пудрат ташкилотларида меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг иқтисодий самарадорликка таъсирини таҳлил қилиш;

инсон соғлиғи ва меҳнат хавфсизлиги муносабатларининг концептуал асосларини такомиллаштиришнинг замонавий йўналишларини илмий асослаш;

“Ноль жароҳатланиш” концепцияси асосида қурилиш-пудрат ташкилотларида меҳнат хавфсизлиги муҳити ва маданиятини ривожлантириш йўлларига доир илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

Глобал касбий соғлиқ ва хавфсизлик Коалицияси билан ҳамкорликда корхоналарда ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ошириш комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича танланма шаклда олинган корхоналари ва қурилиш-пудрат ташкилотлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини қурилиш саноатида касбий соғлиқ ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, статистик кузатиш, анкета сўровнома (Google forms online survey), кейс-стади, эксперт баҳолаш, статистик гуруҳлаш (Kaiser-Meyer-Olkin (КМО) Test), иқтисодий индекслар (SEM, SEM Path ва Latent variable моделлари), эмпирик (OLS), омилли таҳлил (Factor analyses) усуллари ва прогнозлашда ARIMA моделларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Касбий соғлиқ ва хавфсизлик” тушунчаси қурилиш объектларида хавф-хатарни англатувчи чизиқлар ва махсус белгилар хусусиятини аҳамиятли ҳисоблаган ҳолда такомиллаштирилган;

касбий соғлиқ ва хавфсизликнинг салбий оқибатларини муайян миқдорга яхшилаш инсон капиталини ривожлантирган ҳолда зарар ва йўқотишларни

камайтиришга, шу билан бирга, қурилиш жараёнида инсон капиталини умумий зарарларни кескин камайтиришга олиб келиши асослаб берилган;

соҳа корхона ва ташкилотларида соғлиқ ва хавфсизликни таъминлашга йўналтирган “Хавфсиз иш мухити”, “Хавфсиз иш маданияти”, “Санитари ва гигиена хизмати”, ”Бахтсизлик индекси” ва “Ноль жароҳатланиш режаси”ни қамраб олган дастур ишлаб чиқилган;

мулкчилик шаклидан катъи назар қурилиш объектлари сметаларига меҳнат муҳофазаси учун харажатлар ажратиш қисмини киритиш, ишчи-ҳодимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар миқдорини инсон қадр қиммати ва оилавий ҳолатини тўлиқ ҳисоблаган ҳолда ҳисоблаш ҳамда жароҳатлар ва касбий касалликлар оқибатида ногиронлик юки ва шикастланишнинг оғирлик даражаси бўйича нисбий ногиронлик миллий шкаласини яратиш каби таклифлар асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қурилиш объектларида хавф-хатарни англатувчи чизиқлар ва махсус белгиларнинг муҳимлигини ҳисоблаган ҳолда, “касбий соғлиқ ва хавфсизлик” тушунчасига муаллифлик таърифи келтирилган;

қурилиш саноатида хавф-хатарларни камайтириш матричасини таклиф этиш натижасида ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришишнинг йўналишлари кўрсатилган;

“Рекомендации по обеспечению здоровья и безопасности человека в строительной индустрии” номли услубий қўлланма тайёрланган (ISBN 9789943659148);

қурилиш ташкилотлари ишчи-ҳодимларининг билим ва кўникмаларини ошириш учун иш жойларида меҳнат муҳофазаси бўйича қисқа муддатли ўқув-тренинг дастури тайёрланган;

қурилиш корхона ва ташкилотларида “Соғлиқ ва хавфсизлик дастури” ишлаб чиқилган;

қурилиш саноати корхона ва ташкилотларида Халқаро ижтимоий хавфсизлик ташкилотининг (ISSA) “Ноль жароҳатланиш” (Vision zero) концепцияси асосида ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш йўл харитаси (Муаллифлик гувоҳномаси рақами № 002686) ишлаб чиқилган;

“Иш жойларида инсон соғлиғи ва хавфсизлиги дастурини Глобал касбий соғлиқ ва хавфсизлик Коалицияси ҳамкорлигида ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари” номли илмий-инновацион ишланма (Муаллифлик гувоҳномаси рақами № 002811) тайёрланган;

ишлаб чиқариш жараёнида санитария ва гигиена хизматларини самарали ташкил этиш режаси ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари 09510-сонли ва 9109275-сонли шартнома рақамлари билан тижоратлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. диссертацияда Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Республика касаба уюшмаси Федерацияси,

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ҳамда республика қурилиш саноати корхоналари статистика ва бухгалтерия ҳисоботлари, бирламчи тўпланган маълумотлар таҳлилига асосланган ҳамда тадқиқот натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан қурилиш саноати тармоқларида ва мазкур йўналишида фан сифатида таълим берилаётган олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида, шунингдек, мазкур соҳада фаолият юритаётган раҳбар ва ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда услубий жиҳатдан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қурилиш саноатида КСХТнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ушбу соҳада фаолият юритаётган олий таълим ва илмий ташкилотлар корхоналар билан ўзаро уйғун муносабатларини ривожлантириш, иш жойларида сифатли меҳнат шароитларини ташкил этиш ва бошқариш, турли профессионал касалликлар, бир умрга ногиронлик ёки бевақт ўлим ҳолатларини кескин камайтириш орқали корхона-ташкилотлар ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда келгусида соҳани янада ривожлантиришда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инсон капиталини ривожлантиришда касбий соғлиқ ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

касбий соғлиқ ва хавфсизликнинг такомиллашган тушунчаси моҳияти бўйича тавсиялардан “Қурилиш соҳасида касбий соғлиқ ва хавфсизликни таъминлаш бўйича тавсиялар” номли амалий қўлланма (ISBN 9789943659148) Қурилиш вазирлигининг ШНК 3.01.02-20 “Қурилишда хавфсизлик техникаси”нинг янги нашрида, қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг “Умумий қоидалар” 1.15-банди ва “Қурилиш майдончаларини, иш участкаларини ва иш ўринларини ташкил қилиш” бўлимлари бандларини ҳамда О-иловасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 17 июндаги 09-06/7292-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ишчи-ходимларнинг иш жойларидаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларига тўлиқ амал қилишлари бўйича қўшимча изоҳли тавсиялар фаолият самардорлигини оширишга хизмат қилган;

касбий соғлиқ ва хавфсизликнинг салбий оқибатларини муайян миқдорга яхшилаш инсон капиталини ривожлантирган ҳолда зарар ва йўқотишларни камайтиришга, шу билан бирга, қурилиш жараёнида инсон капиталини умумий зарарларни кескин камайтиришга олиб келиши бўйича таклифлардан “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси таркибидаги корхоналар фаолиятига татбиқ этилган (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2021 йил 7 июндаги 05/13-1485-сон маълумотномаси). Натижада иш жараёнида корхоналарда эҳтимолий бахтсиз ҳодисалар содир бўлиш хавфини бошқариш, назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш натижасида 2020 йилнинг 3-чорагида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқаришдаги умумий

жароҳатланиш 17 %га камайиб, умумий ҳолда 77,5 млн. сўм ижтимоий-иқтисодий зарар тежалган;

корхона ва ташкилотларда соғлиқ ва хавфсизликни таъминлашга йўналтирган “хавфсиз иш муҳити”, “хавфсиз иш маданияти”, “санитари ва гигиена хизмати”, ”бахтсизлик индекси” ва “ноль жароҳатланиш режаси”ни қамраб олган дастуридан' Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг амалиётига жорий қилинган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги 2021 йил 1 июлдаги 01/00-03/17-7863-сонли маълумотномаси). Натижада, иш жойларида соғлиқ ва хавфсизлик хизматини ташкил этишнинг 3 йўналишини-меҳнат гигиенаси, ходимлар хавфсизлиги ва уларнинг фаровонлигини бирлаштирадиган ҳамда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касаллиги кўрсаткичларининг пасайишида иш берувчиларга кўмаклашувчи еттита “Олтин қоидалар”нинг амалга оширилишига қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

мулкчилик шаклидан катъи назар қурилиш объектларининг сметаларига меҳнат муҳофазаси учун харажатлар ажратиш қисмини киритиш, ишчи-ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар миқдорини инсон қадр қиммати ва оилавий ҳолатини тўлиқ ҳисоблаган ҳолда ҳисоблаш ҳамда жароҳатлар ва касбий касалликлар оқибатида ногиронлик юки ва шикастланишнинг оғирлик даражаси бўйича нисбий ногиронлик миллий шкаласини шакллантириш каби таклифлардан (рақами № 002811) Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган Республика Кенгаши қарорининг 5-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг 2021 йил 2 июндаги А/Н-38/01-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Қурилишда соғлиқ ва хавфсизлик” тўғрисидаги 167-сонли конвенциясига қўшилиш истиқболларини ўрганиш, иш жойларида унинг энг асосий мақсади ва афзалликлари бўйича тушунтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шу жумладан, Scopus базасида 3 та, ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда 8 та, халқаро нуфузли журналларда 5 та илмий мақола, шунингдек, 4 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 158 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Инсон капитални ривожлантиришда касбий соғлиқ ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида инсон капитални ривожлантириш концепцияси ва унга оид назарий ёндашувлар тадқиқ этилган, ХМТ томонидан инсон капитални ривожлантиришда касбий соғлиқ ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш генезиси ўрганилган, инсон капитални ривожлантиришда касбий соғлиқ ва меҳнат хавфсизлиги бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари тадқиқ этилган.

XIX асрда жаҳон иқтисодиётидаги ютуқлар ҳамда модернизациялар айнан қурилиш саноатида юксак натижаларни қайд этди. Барчага маълумки, икки буюк мактаб, яъни англо-саксон ва роман-герман мактаби вакиллари мазкур соҳанинг илмий-амалий асосларини шакллантиришда бир-бирини тўлдириб боровчи турли хил ёндашувларни кашф этдилар.

Дастлаб, инсон капиталига унинг меҳнат қилиш қобилиятини оширадиган, яъни таълим ва касбий кўникмаларни ривожлантириш йўлидаги сармоялар мажмуаси сифатида қаралган. Турли хил иқтисодий адабиётларда ишчи кучи, меҳнат ресурслари, меҳнат салоҳияти, ақлий салоҳият, инсон омили ва инсон капитални каби иборалар қўлланилади. Демак, инсонга дастлабки даврларда меҳнат жараёнида фойдаланиладиган куч, яъни меҳнат ресурси сифатида қаралган бўлса, илм-фан ва техниканинг тараққий этиши билан, инсон омилнинг жисмоний қобилияти эмас, балки ақлий салоҳияти устунликка эга эканлиги ўз исботини топди. Бу эса, ўз навбатида, иш жойларида миқдорий кўрсаткичлардан кўра сифат жиҳатларга катта эътибор қаратиш заруриятини келтириб чиқарди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида инсон капиталига инвестиция киритишга катта эътибор берилмоқда. “Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислох қилишни бошладик. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”⁶.

Шу нуқтаи назардан қурилиш саноатида инсон капитални ривожлантиришда КСХТ ўз навбатида, ижтимоий самарадорликнинг якуни

⁶ Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020. <https://president.uz/ru/lists/view/3324>

бўлмиш иқтисодий самарадорлик билан ҳам ўзаро боғлиқдир. Лекин ишчилар, авваламбор, жисмоний ва моддий муносабатларнинг ривожланишидан эмас, балки хавфсиз иш муҳотида ишлашдан манфаатдор бўлишлари керак деб айтишимиз мумкин. Бу соҳада бир қатор ғарб олимлар фикрлари аҳамиятли ҳисобланади.

Масалан, У.Петти ўз назариясида бойликнинг манбаи сифатида пулни эмас, балки меҳнат омилини алоҳида таъкидлайди. Зеро, мазкур концепция асосида инсон капитали ёрдамида иш жойларида янги қўшилган қиймат барпо этиш ҳисобига ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жадал ривожланди.

Иқтисодчи олим Рон Бекернинг (Ron Baker) тадқиқотига кўра инсон капитали қуйидагича синфланган:

ижобий инсон капитали (Positive HC) – бу ижодий ёки инновацион ривожланиш ва ўсишга фойда келтирадиган қобилият.

салбий инсон капитали (Negative HC) - бу жамғарилган инсон капиталининг бир қисми бўлиб, аҳоли ҳаёт сифатининг ўсишига, жамият ва шахснинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, одатда, фойда келтирмайдиган капиталдир⁷.

Инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим воситаларига эътибор қаратамиз:

- инвестиция;
- таълим, соғлом турмуш тарзи ва интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш;
- тажриба ва малакага мувофиқ иш ҳақини белгилаш;
- касбий маҳорат ва самарали ишлаш қобилиятини ривожлантириш;
- иш жойларида барчани хавф-хатарлардан хабардор қилиш;
- маданиятнинг барча турларини ривожлантириш (умумий, ташкилий ва корпоратив);
- ижодий ёндашувни амалга оширишга ҳисса қўшиш ва ўз-ўзини ривожлантиришни рағбатлантириш.

Иш жойларида КСХТга иқтисодиёти илғор Буюк Британия, АҚШ, Канада, Германия, Франция, Италия, Япония, Австралия, Россия ва бошқа мамлакатларнинг миллий қонунчилик шаклларига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг маълум вақт оралиғида тизимли равишда ривожланганини кўрамиз.

1970 йилда АҚШ бошчилигида миллий қонун сифатида “Касбий хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш” Қонуни амалиётга жорий этилган бўлса, Россияда эса, халқаро ҳамкорлик натижасида ўз миллий қонунчилик муносабатлари “Соғлиқ, хавфсизлик ва меҳнат гигиенаси” шаклида 2018 йил келиб қабул қилганини ушбу жадвалда кўришимиз мумкин (1-жадвал).

⁷ <https://www.firmofthefuture.com/content/negative-human-capital-and-how-it-affects-your-firm/>

Хорижий мамлакатларнинг КСХТга оид миллий қонунчилик шакллари

№	Мамлакатлар	Қонун ҳужжати номи	Веб сайт	Йил
1	АҚШ	Касбий хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш	www.osha.gov/	1970
2	Буюк Британия	Иш жойларида соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик	www.hse.gov.uk/	1974
3	Канада	Касбий хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш	www.ccohs.ca/	1978
4	Европа Иттифоқи	Соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик	www.osha.europa.eu/	1987
5	Австралия	Касбий хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш	www.safeworkaustralia.gov.au/	1984
6	Малайзия	Касбий хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш	www.dosh.gov.my/index.php	1994
7	Россия	Соғлиқ, хавфсизлик ва меҳнат гигиенаси	www://base.garant.ru/72005258	2018
8	Япония	Саноатда хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш	www.jisha.or.jp/	1972
9	Корея Республикаси	Касбий хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш	www.english.kosha.or.kr/	1987
10	Сингапур	Иш жойларида хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш	www.wshc.sg/	2006
11	Хитой	Касбий хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш	www.dosh.gov/	2002

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1973 йилдаги БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича декларациясига мувофиқ “Соғлиқ ва хавфсизлик бўйича меҳнат шароитлари” тўғрисидаги пакт ратификация қилинди. 2012 йилда ХМТнинг 174-сонли “Саноатда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш” тўғрисидаги Конвенцияси, 1998 йилда 155-сонли “Иқтисодийнинг барча тармоқларида касбий соғлиқ ва хавфсизлик” Конвенцияси ва 2018 йилда эса, 167-сонли “Қурилишда соғлиқ ва хавфсизлик” Конвенцияси ратификация қилинган. Мазкур халқаро меъёрларнинг амалиётга мувофиқлашуви натижасида Россия Федерацияси меҳнат хавфсизлигига оид меърий-ҳуқуқий асослар бекор қилиниб, 155-сонли Конвенцияга мувофиқ “Соғлиқ, хавфсизлик ва меҳнат гигиенаси” номли янги қонун амалиётга жорий қилинди⁸. Амалдаги “Охрана труда”, “Безопасность и охрана труда”, “Безопасность жизнедеятельности”, “Техническая безопасность”, “Пожарная безопасность” ва бошқа номларда амалиётда бўлган сўз бирикма ва қоидалар ўз кучини йўқотган.

Тадқиқотда “касбий соғлиқ ва хавфсизлик” тушунчаси атрофлича ўрганилиб, муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Унга кўра, “Касбий соғлиқ ва хавфсизлик бу – иш жойларида содир бўлишига бир сония қолган салбий ҳолатларни (nearmiss) аниқлаш, баҳолаш, бартараф этиш, назорат қилиш ва


⁸ Юридический энциклопедический словарь. ISBN 978-5-392-00428-7.

бархам бериш натижасида зарар етиш имконияти (chance of potential damage) ва йўқотишлар эҳтимолини (loss probability) кескин пасайтириш, мавжуд хавфнинг юқори даражада аҳамиятлилигини билдирувчи сариқ чизиқларни жорий этиб, хавфсиз иш муҳити ва маданиятини ривожлантириш натижасида ишчи-ходимлар соғлиғи, хавфсизлиги, қулайлиги ҳамда атроф-муҳит ҳимоясини таъминлашдир.”

ХМТ, Буюк Британия, АҚШ ва Европа Иттифоқи амалиёти қурилиш саноатида ишчи-ходимлар фаолиятини илмий жиҳатдан тўғри ва самарали ташкил этиш орқали бахтсиз ҳодисалар содир этилишининг олдини олишга оид илмий назариялар, дастурлар, стандартлар ва ўқув дарсликларини яратишда асос бўлиб келаётган ягона ёндашув, яъни **“Касбий соғлиқ ва хавфсизлик”** тушунчасини амалиётга кенг татбиқ этган.

1931 йилда АҚШлик саноат хавфсизлиги етакчиси Герберт У. Хайнрих томонидан харажатлар айсберги таклиф қилинган бўлиб, кейнчалик, у Франк Э.Берд томонидан такомиллаштирилган. Мазкур учбурчак аксарият ҳолларда пирамида шаклида тасвирланиб, XX асрда мавжуд саноат корхоналарида соғлиқ ва хавфсизлик фалсафасининг асоси сифатида ифодаланади⁹.

Ҳерберт ўзининг “Саноатдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга оид илмий ёндашувлар” китобида йирик суғурта компанияси томонидан тўпланган бахтсиз ҳодисаларга оид маълумотларни ўттиз йилдан ортиқ давом этган тадқиқотларини батафсил изоҳлаган. Х.Гайнрих ўзининг “Саноатдаги аварияларнинг олдини олишга оид илмий ёндашувлар” номли китобининг иккинчи нашрида бахтсиз ҳодисалар пирамидасини батафсил тасвирланган.



1-расм. Иш жойларида содир этилган жароҳатлар пирамидаси¹⁰

Кейинчалик, мазкур назария рад этилиб АҚШ суғурта компанияси раҳбари Ф.Берд томонидан 1969 йилда 279 та АҚШ саноат корхонасидаги 1753,500 та бахтсиз ҳодиса натижалари асосида умумий зарар миқдорини қайд этадиган учбурчакли ҳалокат пирамидаси такомиллаштирилган (1-расм). Пирамидага эътибор берсак, тўрт асосий салбий оқибатни ўзида акс эттирган 1-10-30-600

⁹ Anderson, Martin; Denkl, Michael (2010). "The Heinrich Accident Triangle – Too Simplistic A Model For HSE Management in The 21st Century?". SPE International Conference on Health, Safety and Environment in Oil and Gas Exploration Production. Society of Petroleum Engineers. doi:10.2118/126661-MS. Retrieved November 2018.

¹⁰ <http://crsp-safety101.blogspot.com/2012/07/the-safety-triangle-explained.html>

нисбатда корхона ижтимоий-иқтисодий зарарлар даражасини ўзида акс эттирган.

Диссертациянинг **“Инсон капитални ривожлантиришда касбий соғлиқ ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида корхона ва ташкилотларда инсон капитални ривожлантиришда муносиб меҳнат концепциясининг амалиёти таҳлил қилинган, қурилиш санотида инсон капитални ривожлантиришда бешта муҳим ташаббуснинг асоси бўлган касбий соғлиқни мустаҳкамлаш чора-тадбирларининг ҳозирги кундаги ҳолати ўрганилган ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотларида меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий самарадорликка таъсири таҳлил қилинган.

ХМТнинг 1999 йилдаги 87-сессиясида тўрт асосий мақсадли мамлакатларнинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган “Муносиб меҳнат” (Decent Work) дастури жорий этилди.

Муносиб меҳнат - бу инсоннинг асосий ҳуқуқларини, шунингдек, ишчиларнинг меҳнат хавфсизлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига қатъий амал қилиш, унинг ҳуқуқларини сақлаган ҳолда иш билан таъминлаш муносабатларидир¹¹.

Мамлакатимизда охириги уч йилда ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар сони 1214 тани ташкил этди, шулардан 241 тасининг оқибати ўлим билан тугаган, 21 мингдан зиёд фуқаролар меҳнат ҳуқуқлари бузилганлиги ва мажбурий меҳнатга жалб этилганлиги тўғрисида мурожаат этганлар. Бундан ташқари, ушбу соҳада содир бўлган бахтсиз ҳодисалар оқибатида 113 нафар киши оғир тан жароҳати олган. 2020 йилда эса, республика бўйича айнан қурилиш саноатида 82 та (13%) бахтсиз ҳодиса содир бўлиб, 31 нафар (15%) инсон ҳалок бўлган. Бундан ташқари, 51 нафар инсон оғир тан жароҳати олган. Махсус текширувлар жараёнида 2020 йил давомида 403 нафар мансабдор шахсга 807,3 млн. сўм миқдорда жарима солинган. Давлат меҳнат инспекцияси томонидан иш жараёнини тартибга солиш мақсадида 46 та қурилиш ташкилотидида 1025 та иш ўрни меҳнат шароитлари бўйича аттестация ўтказилган. Айниқса, мазкур муаммолар иқтисодиётнинг норасмий секторида ҳамон кескинлигича қолмоқда¹².

Жорий йилда аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурларига кўра, янги иш ўринларини барпо этиш устидан жамоатчилик мониторинги доирасида қасаба уюшмалари томонидан жами 4316 та корхона ва ташкилотда 28800 та иш ўрни ўрганилган. Қасаба уюшмалари ташаббуси билан кичик корхоналар, аҳолига сервис ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш орқали 192 та иш ўринларида қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланган¹³.


¹¹General Comment 18, 2006 United Nations Committee on Economic, Social and Cultural Rights - the right to work, General comment No. 18, Adopted on 24 November 2005, Article 6 of the International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights" (PDF).

¹²Ўзбекистон Республикаси Президентининг Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3913-сонли Президент Фармони. 2018 йил 20 август//<https://lex.uz/docs/4213627>

¹³ <https://kasaba.uz/uzbekiston-kasaba-uyushmalari-federatsiyasi-kengashining-ix-mazhlisi-yakunlari-tugrisida/>

Мисол учун, шу йилнинг ўтган даврида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 150 минг нафардан ортиқ кишига қарийб 79,2 миллиард сўмлик ижтимоий кўмак берилди¹⁴. Бу эса, мамлакатмизда муносиб меҳнатни таъминлашда халқаро ҳамжамият орасида нуфузини ортиб бориши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон 2020 йилда илк марта Жаҳон банкининг инсон капитали индексида иштирок этиб 174 та давлат орасида 62%лик натижага муносиб кўрилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Инсон капиталини ривожлантириш лойиҳасини қўллаб-қувватловчи 27 давлат қаторига қўшилди¹⁵. Бу эса, мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришга эътиборнинг юқорилигидан далолат беради.



2-расм. Ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар коэффициенти (ҳар 1000 нафар ходимга нисбатан) 2019 йил

2-расмда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, ўлимга олиб келадиган ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар коэффициенти ҳар 1000 нафар ходимга нисбатан 0,44 ни ташкил этади. Агар халқаро амалиёт билан солиштирадиган бўлсак, бу кўрсаткич Россия Федерацияда – 0,139 (3 баравар кам), АҚШда – 0,054 (8 баравар кам), Финландияда – 0,038 (11 баравар кам), Японияда – 0,02 (22 баравар кам), Буюк Британияда – 0,006 (27 баравар кам)ни ташкил этади.

Мамлакатимиз қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида муносиб меҳнат концепциясини ривожлантиришда 32 та саволдан иборат ижтимоий сўровнома асосида 403 нафар ишчи-ходим фикр ва қарашлари ўрганилди. Унга кўра қуйидаги натижалар аниқланди:

Сўровноманинг 1-саволига: 43 % ишчи, 12,5 % муҳандис, 12,1 % раҳбарият ходимлари ва 22 % бошқа касб эгалари жаваб берган (2-жадвал). Шунингдек, 2-савол бўйича 90,4 % иштирокчилар “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан танишиб чиққанлигини билдирган. Корхоналарда КСХТ жараёнларини еттилик ўлчов тизими бўйича 4 % иштирокчи

¹⁴ <https://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/5701>

¹⁵ <https://www.ceicdata.com/en/uzbekistan/human-capital-index>

3га, 13,6 % иштирокчи 4га, 37,1 % иштирокчи 5га ва 34 % иштирокчи эса, 7 га баҳолаган. Сўнги саволга КСХТ жараёнларига инвестиция жалб қилиш масалалари бўйича 44,6 % иштирокчи-юқори, 35,4 % иштирокчи-ўртача ва 171 % иштирокчи ижтимоий-иқтисодий самарадорликка паст даражада таъсир қилади деб, ҳисоблаган.


2-жадвал

Ижтимоий сўровноманинг баъзи натижалари



Мамлакатимиз қурилиш саноатида сўнги йилларда қайд этилаётган турли даражадаги шикастланиш, касалликлар, жароҳат ва ўлим ҳолатлари, нафақат, ишчи-ҳодимлар ва иш берувчилар фаолиятида ёки ҳаётида, балки макро даражада инсон омили, йиллик йўқотилган иш кунлари, кечиктирилган иш ҳажми, қурилиш жиҳозлари ва асбоб-ускуналарининг ишдан чиқиши, шунингдек, қурилиш материалларининг исроф бўлиши натижасида юзага келаётган табиат ресурсларидан такрор фойдаланиш, жабрланувчига тиббий хизмат кўрсатиш,

суғурта ҳамда дори-дармон харажатлари, мажбурий бадаллар асосида катта ҳажмдаги иқтисодий зарарлар ва ижтимоий йўқотишларга олиб келмоқда.



Манба: STATA 15.0 дастури асосида муаллиф ишланмаси

3-расм. Қурилиш корхоналарида КСХТ натижасида инсон капитални ривожлантиришнинг Латент модели

Эконометрик таҳлилда диссертант томонидан ишчиларнинг КСХТ бўйича сифат кўрсаткичли маълумотлари моделга киритилди. Бу эса, таҳлил жараёнини бирмунча мураккаблаштирган бўлсада, иш жойларида инсон капиталининг қайси жиҳатларини неча фоизга ривожлантириш мумкинлиги аниқланди. Ундаги маълумотларга кўра ўзаро мулоқотни бирга нисбатан яхшилаш шахсий фазилатларни 39 %га ривожлантиради (3-расм).

Касбий соғлиқ муносабатларига оид халқаро майдондаги илк ислохотлар 1905 йилда ташкил этилган Халқаро касбий соғлиқ комиссиясининг (International Commission on Occupational Health (ICOH)) ташкил этилиши билан боғлиқдир. Бу ташкилот ўз олдига айнан ушбу соҳанинг илмий асосларини дунё минтақаларида тажрибалар ва кузатувлар олиб бориш орқали тадқиқ этиш ва ривожлантиришни мақсад қилган.

Мамлакатимизнинг КСХТга оид бир қатор кўрсаткичларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2019 йилда ишчилар соғлиғига оид халқаро индекс куйидагидан иборат:

ЖССТ, “The Economist” журнали ва Жон Ҳопкинс Блумберг жамиятининг Соғлиқни сақлаш мактаби (Johns Hopkins Bloomberg School of Public Health) ҳамкорлигида 195 та мамлакат ўрганилиб, 2019 йил глобал соғлиқ бўйича хавфсизлик индекси (Global Health Security Index) натижалари эълон қилинди. Муаллиф томонидан мамлакатларнинг географик жойлашуви ва уларнинг турли хил ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, 6 минтақадан 8 та мамлакат танлаб таҳлил қилинди. Унга кўра, Канада 75,3 балл 5-ўрин, Туркия 52,4 балл 40-ўрин,

Россия 44,3 балл 63-ўрин, Қозоғистон 40,7 балл 83-ўрин, Хитой 48,2 балл 51-ўрин ва Ўзбекистон 34,3 балл билан 116 ўринни қайд этган (Глобал энг қуйи даража эса, 40,2 баллни ташкил этган) (4-расм).



4-расм. Мамлакатимизнинг глобал соғлиқ бўйича хавфсизлиги индекси (2019 йил)¹⁶

Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз Президенти томонидан 2019 йил 19 мартда қабул қилинган 5 муҳим ташаббус айнан, аҳоли саломатлигини таъминлаш борасидаги улкан ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда 3 мингдан ортиқ тиббиёт муассасаси бўлиб, улардан 423 таси бирламчи тиббиёт муассасаси “Электрон поликлиника” ахборот тизимига уланган. Лекин ишчиларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш учун 28 миллиард сўм ажратилган бўлса-да, бу борадаги ишлар суст кечмоқда¹⁷.

